



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan www.uzas.uz 2019-yil 18-yanvar №3 (4505)

Фаргона вилояти Кува туманида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари асосида "Толмозор", "Акбаробод", "Тошкент" ва "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг учун қарийб 20 миллиард сўм маблағ сарфланди.



Бунёдкорлик

ОБОД МАНЗИЛЛАР ФАРОВОНЛИКДАН НИШОНА

Бугун ҳудуд қиёфасини бутунлай ўзгартириш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, шаҳардагидек яшаш шароити яратиш мақсадида бошланган эзгу ташаббус катта ҳаракатга айланди.

Кува – Фаргона водийсининг мафтункор масканларидан. Кейинги йилларда туман аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, аҳоли учун қулай маданий-маиший шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янги иш ўринлари очиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, оилалар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омил бўлмоқда. Бун тумандаги барча 65 та маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Обод маҳалла" дастури доирасида тумандаги "Тошкент" ва "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинида 11 миллиард 898 миллион сўмдан ортиқ қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада 300 та



якка тартибдаги ва 39 та кўп қаватли уй-жой таъмирланди, 3,4 километр узунликда ичимлик суви тармоғи тортиди, 20 километрга яқин табиий газ тармоқлари таъмирланди.

Маҳаллаамиз туман марказида жойлашган бўлса-да, шу пайтга қадар маданий-маиший шароитлар йўқ эди, дейди "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Парғибой Каримов. – Эзда ичимлик суви, қишда табиий газ, электр таъминотида юзага келадиган носозликлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилган ишлар бу борадаги муаммоларни бартараф этиш

имкониятини берди. Шу кунга қадар 5 та кўп қаватли уйнинг оқова сув тармоғи қуриб битказилди, йўл ва йўлаклар асфальтланди, 7 та уйнинг томи профнастил, 1 та уйнинг томи шифер ва 5 та уйнинг томи полизол қопламаси билан ёпишди, 13 та уйнинг фасад қисми тўлиқ таъмирланди, 8 километрлик газ тармоғи, битта трансформатор пункти таъмирдан чиқарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга жорий этилаётган ҳаётбахш дастурлар ҳудудлар ободлигини таъминлаш, одамлар турмуш тарзини юксалтириш, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Севинчимиз сўз билан ифода қилиб берилди, дейди Чўлпоной Мўйдинова. – Бир хонали уйда икки келиним, вояга етган қизим билан яшардик. Дастур доирасида олиб борилган ўрганишлар натижасида бизга имтиёзли тарзда намунали уй-жой таъминотида юзага келадиган носозликлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилган ишлар бу борадаги муаммоларни бартараф этиш

ватлаши оиламиз тинчлиги, тотувлигини таъминлаётганидан миннатдорман.


"Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Муродил Хайдаров ташаббуси билан замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Миллий меъморчилик андозалари билан уйғунлашган замонавий мажмуада савдо, ишлаб чиқариш ва аҳоли кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари иш олиб бормоқда. "Обод маҳалла" дастури асосида қад кўтарган иншоот бир вақтнинг ўзида 300 нафар ёшлар бандлигини таъминлади.

Сирасини айтганда, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида олиб борилаётган амалий ишлар кун сайин кўпайиб бораётган обод қишлоқ ва маҳаллалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Демак, халқимиз улкан мақсадлар билан бошланган эзгу ислохотларда ҳамжихатликда иштирок этмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон – Ҳиндистон: маданий алоқалар ҲИНД ДИЁРИГА САЁҲАТ

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан турли соҳалардаги алоқалари янги босқичга кўтарилмоқда. Юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар сони сезиларли даражада ошяпти. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида халқ оғзаки ижодида бағишлаб ўтказилган анжуман ҳам халқаро дўстлик алоқаларини мустақамлашга замин яратди. Ушанда бир гуруҳ меҳмонлар Самарқанд шаҳрига ҳам келишган эди. Улар орасида Ҳиндистонлик маданият арбоби Дев Бхардваж ҳам бор эди. У халқимизнинг меҳмондўстлик, инсонпарварлик фазилатларидан мамнун бўлганини эътироф этганди.



Ўзбек ва Ҳинд халқлари маданий алоқаларининг узвий давоми сифатида ўтган йил октябрь ойида юртимизнинг бир гуруҳ ижодкорлари ҳам Ҳиндистонда бўлишди. Ҳинд диёрига ўзбек шоир ва ёзувчилари асарлари жамланган китоб тақдимотига тақлиф этилган эдик. Жаҳонга кўплаб машҳур адиблар, атоқли санъаткорларни етказиб берган бу юртни кўриш, Мирзо Бобур қадами теккан заминда бўлиш, дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Тожмаҳални зиёрат қилиш орзуим эди. Шундай хис-ҳаяжонлар билан Дехли халқаро аэропортига кўндик. Делегациямиз аъзоларига Дехлидаги "Вивек" меҳмонхонасида жой ажратилган экан. Эртасига Дехлидан Индор шаҳрига, тадбир ўтказиладиган жойга йўл олдик. У ерда бизни Ҳиндистон китъалараро маданият ассоциацияси директори Дев Бхардваж бошчилигидаги ижодкорлар қарши олишди. Тадбирга биздан ташқари яна бир неча давлатлардан шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар ва таржимонлар ҳам келишган эди. Анжуман иштирокчилари ва

меҳмонларга инглиз ва Ҳинд тилларида нашр этилган "THE WHISPERING SENSE" (English and Hindi Anthology of Uzbek poets) First Published: 2018. ("Шивирлаётган хис") дея номланган китоб тарқатилди. Антологиядаги шеърларни ўзбек тилидан инглиз тилига Асрор Аллаёров ўғирган. Ҳинд тилига эса Шобҳа Жиндал, Арти Кумари ва доктор Сангеета Синг таржима қилган. Китобга адабиётимизнинг атоқли намояндалари Абдулҳамид Чўлпон, Ҳалима Худойбердиева ҳамда замондош ижодкорлардан Сирожиддин Сайид, Фармон Тошев, Ғайбиддин Фазлий, Хуршид Нуруллаев каби йигирма уч нафар ижодкорнинг асарларидан намуналар киритилган. Анжуманда Ўзбекистондан борган шоирлар шеърлар ўқиди. Даврада сўз олган олим Жанардан Ратхания Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи фаолияти, Ҳинд халқи тарихида аждодларимизнинг муҳим ўрин тутгани ҳақида гапирди.

► 2

Юшма фаолиятдан

ОФТОБДЕК НУР СОЧАР КИТОБ

Адиблар хилбониди бунёд этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносига ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонликни ривожлантиришга бағишланган адабий анжуманлар, янги китоблар тақдимоти, атоқли адибларнинг ўқувчилар билан учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш эзгу анъананага айланди. Ана шундай тадбирлар вилоятларда, чекка қишлоқларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Денов туманидаги 17-умумтаълим мактабиди китоб мутолаасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда шоирлар, журналистлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Сайид Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар, адабиётни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, болалар адабиётини кенг тарғиб этиш, ижод мактаблари ва мактабга таълим муассасалари учун замонавий дарсликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, маънавий ислохотлар ҳақида сўзлади.

Сурхондарё вилоятининг олис тоғ ҳудудидаги қишлоқ мактабларида, гуманитар ва аниқ фанларни чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари, мактаб-интернатларда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари иштирокида ўтказилаётган адабий кечалар, ижодий учрашувлар ўқитувчилар ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирмоқда, дейди мактаб раҳбари Файзулла Жўраев. – Шу муносабат билан ўқувчилар замондош шоирларимизнинг китоб ўқиш, билим олиш ва касб эгаллаш мавзусидаги шеърларини ёддан ифодали ўқиш, ўз билимлари ва бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини намойиш этишмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Рустам Мусурмон, Халқ депутатлари Денов тумани Кенгаши депутати, "Чағаниён" китоб маркази раҳбари Исрол Худойбердиев ва бошқа ижодкорлар юртимизда китобхонликни тарғиб этишга қаратилаётган юксак эътибор, китобнинг инсон маънавиятини бойитишдаги, ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишидаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Ижодкорлар ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Ҳозирги адабий жараёндаги ўзгаришлар, юртимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотлар мавзусидаги давра суҳбати мушоирага уланди. Ватан, мустақиллик, она юртга муҳаббат мавзусида шеърлар ўқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди томонидан нашр этилган китоблар ўқувчиларга совға қилинди.

Тумандаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам китобхонликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ахборот хизмати

"ЭҲТИРОМ"ГА САЗОВОРЛАР

Юртимизнинг маданий-маърифий ҳаётини, байрамлари-ю катта-кичик тадбирларни санъат ва маданиятимиз вакиллари широкисин тасаввур этолмаймиз. Ўтган йил маданиятимиз намояндалари учун ҳар қачонгидан ҳам воқеаларга, учрашувларга бой бўлди. Улар ўз санъатлари, ижодлари билан давраларга файз киритдилар, санъатимиз ва маданиятимиз ривож учун астойдил хизмат қилдилар.



Ўтган hafta якунида юртимизда фаол ва самарали ижод қилаётган санъат, маданият вакиллари ҳамда ижодий тажрибалари билан ёшларга ибрат бўлаётган устоз санъаткорларни рағбатлантириш ва кўллаб-қувват

лаш мақсадида ташкил этилган "Эҳтиром – 2018" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда "Театр, кино, оммавий томошалар", "Эстрада, анъанавий ва опера хонадони, мусиқа ижро

чилиги ва рақс санъати", "Тасвирий ва амалий санъат", "Бадиий ижод, журналистика ва телевидение", "Этибор, эҳтиром, эъзоз" каби бешта йўналиш бўйича мукофотлар ўз эгаларига топширилди. Тақдирланганлар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Урозбой Абдураҳмонов, санъатшунос олима Ирина Галущенко, Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Исмоилова, маком ижрочиси Очилбой Матчинов, Ўзбекистон халқ артисти Абдухашим Исмоилов, устоз хунарманд Асрор Мухторов, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев, танқидчи Рассом Владимир Бурмакин каби устозларнинг борлиги маданиятимиз ва санъатимиз ишончли кўлларида эканидан далolat беради.

Ҳамкасбларимиздан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Камол Матқубов, "Yoshlar" телеканали катта йўналиш бўйича мукофотлар "Ўзбекистон" телерадио канали "Ассалом, Ўзбекистон" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Фахриддин Самадовнинг ҳам "Эҳтиром"га сазовор бўлгани бугунги журналистикамиз вакиллари фаол ва самарали ишланаётганини кўрсатади.

Барча совриндорларни муборакбод этамиз.

Ўз мухбиримиз

ҲИНД ДИЁРИГА САЁХАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тарихни жуда яхши билишдан хайратланиб, олим ҳақида сўраб-суриштирдик. Маълум бўлишича, 78 ёшли бу тарихчининг ота-боболари бундан бир неча аср илгари Туркистондан Ҳиндистонга кўчиб бориб, яшаб қолишган экан. Шу боис у ёшлигидан бизнинг юртимизга қизиқар, Ўзбекистонни боболари юрти, деб биларкан. Биз билан суҳбатда олим ҳис-туйғуларини ифодалаган сўз тополмас, ҳаяжонларан эди. Жанардан Ратхания юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан, биз эришаётган ютуқлардан қувонишини айтarkan,

беихтиёр гурурландик. Гуруҳимиз билан шаҳарни айландик, дастлаб Ҳумоюн мирзонинг қабрини зиёрат қилдик. Кейин Дехлидаги Акшардхам ибодатхонасига борганда, гўё афсоналар оламига тушиб қолгандай бўлдик. Ҳинд қизларининг миллий либосларда рақсга тушгани барчамизга завқ-шавақ бағишлади. Сафаримизнинг бешинчи куни Агра шаҳрида бўлиб, Акбаршоҳ қабрини зиёрат қилдик. Агра – Ҳиндистон тарихидан сўзловчи мўйсифид шаҳар. Боқий муҳаббатга қўйилган ҳайкал – Тожмаҳал тарихий обидаси шу шаҳарда эканини шох Бобурнинг авлоди Шоҳжаҳон ва унинг суюкли аёли Мумтоз

маҳал ўртасидаги муҳаббат қиссасидан хабардор ҳар бир киши билади, албатта. Кунига етмиш-саксон минг, бир йилда саккиз миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюрадиган мўъжиза-обида, беихтиёр кўнгилларни сеҳрлаб қўяркан. 18 йил давомида 20 минг нафар курувчи кучи билан бунёд этилган Тожмаҳални ўзбек, Ҳинд, турк меъморлари барпо этган, унинг пештоқда самарқандлик уста Муҳаммад Шариф ва бухоролик уста Ота Муҳаммад каби аждодларимизнинг исми-шарифлари қайд этилган. Буюк Ҳинд мутафаккири Рабиндранат Тҳакур Тожмаҳални бежиз "Абадият

юзидидаги кўз ёш", дея таърифламаган экан. Тонгда кўёш бўй кўрсатиши билан Тожмаҳал офтоб нуруларида кумушранг тус олиши, турфа рангларнинг ўзаро қоришиб, ажиб манзара ҳосил қилиши кўнгилга қандайдир сокинлик олиб кирса, шом маҳали ботаётган кўёш рангидан андаза олиши кишини ўзига тамоман мафтун этади. Сафаримиз якунига етиб, мезбонлар билан хайрлашар эканмиз, уларнинг нигоҳидаги самимийлик, дўстона меҳр тагин қалбларга нур улашди. Ҳаммамиз чин дилдан ўзбек ва Ҳинд халқлари дўстлиги бардавом бўлишини тиладик.

Зухра БЕГИМ

Янги йил арафасида Зангиота туманидаги "Ўрикзор" маҳалласидан ис газидан 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган беш нафар қиз вафот этди: икки ака-ука ва синглининг фарзандлари. Уша хонадон остонасига қадам босиш жуда оғир бўлди. Ҳамроҳим — маҳалла фуқаролар йиғини масъул ходимаси Маъсуда опанинг ҳам кўзларида мунг, юзида ҳорғинлик.

Ҳамроҳим — маҳалла фуқаролар йиғини масъул ходимаси Маъсуда опанинг ҳам кўзларида мунг, юзида ҳорғинлик.

Шунча тарғибот-ташвиқотларга қарамай, кўпчилик ҳали ис газининг нималигини билмас экан. Кўпчилик бундай фожиалар табиий газнинг сизиб чиқиши оқибатида юз беради, деб ўйлайди. Мутахассисларнинг фикрича, аслида табиий газ одам организмига газ тарзида ҳавода 10 фоиздан ортиқ аралашмаси мавжуд бўлганда бўғилишга сабаб бўлади. Ис газининг манбаи эса ёқилгининг тўлиқ ёнмаслиги. Табиий газ, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида пайдо бўладиган захарнинг ҳаво таркибиде атиги 0,1 фоиз ҳосил бўлиши инсонни захарлаб

Очигини айтганда, одамларни жарима орқали жазолаш иш эмас. Хўш, кишининг қировли куниде шундай аҳволга тушган оилани тармоқдан узиб кетишгандан кейин яна улаб олишдан бошқа иложи йўқ-ку! Бу мутасаддилар ўйлаб кўрадиган жиддий масала.

— Ҳозир одамлар ҳар қандай воқеага ҳам совуққон, — дейди маҳалла оқсоқоли Талъат ака. — Уйма-уй юриб текширув ишларини олиб бораёмиз. Аммо ҳамюртларимизда денгиз хонадониде бундай ҳодиса бўлмайди, меҳан қараш бор.

Ҳа, бу совуққон қарашни қандай таърифлашни ҳам билмайсан. Мана шундай лоқайдлик оқибатида кўпгина йўқотишлар содир бўлмоқда.

ОГОҲЛИК

Газ соҳаси мутахассислари: "Газ, чироқ хавфсизлиги бўйича хонадонларни текширишга борсак, уй эгалари хонадонига киритмайди", дейишади. Яна савол туғилади: агар бирор фуқаро газдан қарзи бўлса, дод-вой солишига қарамай МИБ ходимлари қўлига илинган бюмни олиб кетади. Истеъмолчиларга кўнгилдагидек шароит яратишга келганда минг хил баҳона, сабаб кўрсатилади. Бу жараёндаги суиистеъмолчиликни-ку, қўяверинг!

Шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Дейлик, кўз-киш мавзуси олдидан фикр уйғутувчи телеканаллар, радиоэзеллар ёки тарғибот гуруҳлари тузилиб, ҳатто радиоканалларни ишга солиб, аҳоли ўртасида огоҳлантириш ишлари ташкил этилса бўлмайди? Бўлади, фақат бунинг учун бироз ҳафсала керак.

Янги йил арафасида Тошкент вилоятининг Янгийул туманида қўлбола "бомба" туфайли бир боланинг вафот этгани ҳақида хабар тарқалди. Энг ачинарлиси, пиротехника воситаларидан дунё бўйича 380 минг бола жароҳат олгани ҳақидаги факт. Тинчлик, тўкинлик, фаровонлик замонида-я. Бунга ҳам, аввало, биз — катталар сабабчимиз. Пиротехника воситаларини сотаётганларни оқламайман, аммо улар бу "ажал овуноқ"ларни уйингизга мажбурлаб ташлаб кетаётгани йўқ-ку. Мақтабда ўқитувчи фарзандимизнинг хулқи ёмонлиги ёки баҳолари пастлиги учун бир шапалоқ урса ижтимоий тармоқларда ойналаб муҳокама қиламиз. Аммо фарзандларимиз пиротехника воситалари учун сарф қилаётган маблағининг ҳар томонлама кўрсатаётган асоратлари нега бизни жунбишга келтирмайди.

Бир оиладан бир неча аъзонинг бевақт вафот этгани фақат ўша хонадоннинг фожиасими?.. Бугун ҳатто печка ва мўри ясайдиган мутахассисларни тайёрлашга эҳтиёж бор. Хитойдан, Эрондан келтирилган газ мосламалари бизнинг печкаларимизга тўри келмас экан. Бугун ана шундай иситиш жиҳоз ва ускуналарни қуришга ўйларга мослаб ишлаб чиқарадиган корхоналарга, мутахассисларга тайёрлайдиган ўқув даргоҳларига эҳтиёж катта эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмаптими? ..Ховлидан чиқиб кетаётганимизда онаизорга қандай юпанч беришни билмадим. Ҳар бир сабрнинг, синовнинг ажри бор, албатта. Қўлим сабр тилашдан бошқа нарсасиз.

Барно СУЛТОНОВА



— Уша куни печканинг горелкасини янгила-гандик. Хитойники экан. Паст ёнса ҳам яхши қиздиради, дейишувди, — дейди онаизор. — Овсинимнинг икки қизи, қайсинимнинг қизи бизникида ётиб қоладиган бўлишди. Бирим яй-рашди-ей. Суратга тушишди. Катта қизимга байрами муносабати билан қўйлақ олиб берувдим. Кийиб: "Мен маликаман", "Мен маликаман", дея роса айланиб, бизни қувонтирганди.

Онаининг айтишича, қизалоқларнинг тепа қаватда ўз хоналари бўлган. Кишда газ пастайиб кетгани боис хоналар яхши исимлаган. Печка ошхона ёнидаги хона ичига қурилган экан. Чиройли таъмирланган уйга ўша куни кўчиб тушишган...

Бугун гоҳ у ерда, гоҳ бу жойда одамларнинг ис газидан вафот этаётгани бир кўз югуртириб ўқийдиган, эшитганда бир "воҳ" деб қўядиган хабарлар эмас. Мусибатки... ҳар бир инсонни огоҳликка чорлайди. Хўш, бу каби фалокатлар нега содир бўлмоқда?

ўлдириши мумкин. Одамлар газ ёниб турибди, демак, захарланмаймиз деб ўйлашади. Йўқ, айнан ёниб турган газнинг тўлиқ ёнмаслиги, носоз мўриллар, ҳаво алмаштириш йўллари йўқлиги, ностандарт иситиш жиҳозлари ва ускуналаридан фойдаланиш ҳавога ис газининг тарқалишига олиб келади. Юқориде айтганимиздек унинг 0,1 фоизгинаси ҳам одамни хушсизлантиради.

— Айни пайтда соҳа ходимлари уйма-уй юриб ана шундай хавф туғилган хонадонларни жаримага тортапти, газ тармоғидан узиб қўйишгапти, — дейди туман газ тақсими бош муҳандиси А.Ҳақимов. — Афсуски, кўпинча аҳоли ўзбошимчилик билан газ тармоғига улашиб олган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Аҳоли ҳар йили қиш бошланишидан олдин янги печка сотиб олади, мўрилари алмаштирадими, албатта, қўнадан келган устага эмас, соҳа мутахассисига мурожаат қилиши керак. Уларда шундай кўникмани шакллантиришимиз лозим.

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ" 2018 йил, 4-сон

Журналнинг янги сони Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми иштирокчиларига табриги билан очилган. Унда жумладан, шундай дейилади: "Илоҳий ҳолда ўз юртини ташлаб кетаётган кишилар ва қочқинлар сони тобора ортиб бораётгани, таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти йўқлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнат, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашшоқлик ва очликка барҳам бериш зарурати билан боғлиқ муаммолар мураккаблашиб бораётганига биз четдан томошабин бўлиб қараб туролмаймиз".

Ўтган 2018 йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми бўлиб ўтган эди. Кенг миқёсли ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осие бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респуб-

ликаси Миллий маркази бўлим мудирини Фарҳод Ҳайитбоев, Андижон давлат университети тадқиқотчиси Мавлуда Алимова ва бўшқаларнинг журналида эълон қилинган мақолалари юқоридеги халқаро анжуман мавзуларига бағишланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган туркум мақолалар, "Ҳаракатлар стратегияси: фалсафий-методологик таҳлил" ҳам ўқувчилар эътиборини тортади.

"Тарих саҳифаларида" руқни остида Очил Бўриев ва Муртазо

Усмоновларнинг "Темуррийлар ренессанси" — уйғониш даврида Туронда маданий юксалиш ва ҳозирги замон" номли таҳлилий мақоласининг берилиши журналда кўтарилган мавзуларни янада тўлдирган.

Жорий йилнинг 9 январь кунини "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳам журнал олдидеги вазифалар кўламининг кенглиги ҳамда гоят долзарблигини кўрсатади.

Машхура НУРМАТОВА, талаба

ЁРҚИН ВА БЕТАКРОР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ ЭДИ

Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Миллий мусиқа санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Анор Назаров 69 ёшида вафот этди.

Анор Назаров 1950 йил 5 июнда Тошкент вилоятининг Бўка туманида туғилди. У ёшлигиданоқ мусиқа санъатига меҳр қўйди. 1973 йили Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)га ўқишга кириб, оркестр солисти мутахассислиги бўйича таълим олди.

Шундан сўнг у кўп йиллар давомида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри оркестрининг солисти, Тошкент шаҳар мусиқа ансамблилари жамоасининг бош дирижёри, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги эстрада-симфоник оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри сифатида самарали фаолият кўрсатди. 1996–2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари — "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бirlашмасининг бош директори, бадий раҳбари лавозимларида қизғин меҳнат қилиб, миллий эстрада ва қўшиқ санъатини ривожлантириш, бу йўналишларда кўплаб иқтидорли ёш ижрочиларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди.



Доимо янгилликка интилиб яшайдиган, истеъдодли ва бетакор санъаткор мустақиллик йилларида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг эзгу фазилатлари юксак пардаларда тараннум этилган, миллий мусиқа санъатимиз хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган кўплаб жўшқин қўшиқлар яратганини эл-юртимиз яхши билади ва ҳеч қачон унутмайди. Чунончи, устоз санъаткорнинг "Азиз одамлар", "Юрт қадри", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Одамлар, авайланг бир-бирингизни", "Ифтихор", "Ўзбекистон муштарак", "Истиклол вальси", "Озод элнинг ўғлиман", "Эй, азиз Ватан", "Ўзбекистон", "Нозланажакдир", "Дўлана" сингари қўшиқлари ҳамда мамлакатимизда кенг нишонланадиган умумхалқ байрамлари бағишланган мусиқий композициялари халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

Бир қанча бадий фильмларга мусиқа ёзган А.Назаров кино санъатимиз ривожига ҳам ўзига хос ёрқин из қолдирди. У яратган долзарб мавзулардаги қўшиқлар "Ягонасан, муқаддас Ватан", "Ўзбекистон — Ватаним маним" каби нуфузли кўрик-танловларда юксак ўринларга сазовор бўлган эди.

Серқирра санъаткорнинг ижодида йирик ва кичик жанрдаги вокал ва чолғу асарлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг виолончель сола учун мўлжалланган "Хаёл ичра", труба ва симфоник оркестр учун "Она Ер" концерт-фантазияси, скрипка, виолончель ва фортепиано учун ёзилган "Шарқона миниатюра", "Ипак йўли", "Хиросима" симфониялари шулар жумласидандир. Бастакорнинг куй ва қўшиқлари АҚШ, Франция, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия каби хоржий давлатларда ҳам муваффақиятли ижро этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси

ЭКОМАДАНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мавзусига алоҳида эътибор қаратилди. Ўта долзарб ушбу муаммолар доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун экологик хавфсизлик нафақат бир давлат ёки минтақа, балки умумбашарий аҳамиятга эга долзарб муаммога айланган. Аҳоли сонининг йилдан-йилга ошиб бориши, саноат ва транспортнинг ривожланиши, фан-техниканинг тараққиёт этиши бўшбағида, инсоннинг биосферага кўрсатаётган таъсир доирасини кенгайтириб бормоқда. Бу эса у ёки бу экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, шубҳасиз. Экологик муаммо деганда, аввало, инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ ҳолда табиатнинг борлиққа акс таъсири (стихияли тафоватлар, иқлим ўзгариши, ёввойи жониворларнинг ялғи қамайиши ва бошқалар) тушунилади. Масалан, жамият ривожланиши билан аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби ортиб бораётганига эътибор қаратайлик. Бизнинг асиримизда чўчқ сувдан фойдаланиш 7 мартга ортиган. Ёки, яқин йилларгача Ўзбекистон ҳудудиде агроландшафтларнинг ҳар гектарига ишлатиладиган пестицидларнинг ўртача миқдори 54 кг. атрофда бўлган. Бу кўрсаткич Россияда 1-2 кг, АҚШда 2-3 кг.ни ташкил этишини ҳисобга олсак, минтақамиздаги экологик муаммо кўлами аён бўлади. Пестицидлар атмосферада узоқ масофаларга тарқалиши, шунингдек, сув орқали, дала, дарё, қўллардан ўтиб дунё океанларида ҳам тўпланади. Шу тариқа улар экологик озақ занжирига қўшилади, туپроқ ва сувдан ўсимликларга, ниҳоят, одам организмига ўтади.

Экология муаммолари бугун дунё бўйлаб, йилдан-йилга долзарб тус олаётир. Кўплаб давлатларда экологик партиялар тузилиб, қатъий экологик сиёсат олиб боришмоқда. Бунда, аввало, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, мунтазам равишда тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга қарамасдан, бу каби ишларни ҳали экологик муаммоларнинг бартараф этиш учун етарли, деб бўлмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оралбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида "Траст фонди"нинг тузилиши, ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлди, десак, ҳато бўлмайди. Аввалроқ, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан, экологик партия ташкил этиш бўйича мамлакатимиз фуқароларидан иборат ташаббускорлар гуруҳи шаклланган эди. Яқинда пойтахтимизда янги партиянинг таъсис қурултои бўлиб ўтди. Янги партия мамлакатимизда экомуҳитни барқарорлаштириш борасида ўз олдига кенг кўламли вазифалар қўйган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сиёсий партия ёки ҳаракат замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талаблари жаов берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида таъкид олади. Шу билан бирга, замон талаби билан улар такомиллаштириб борилади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли орасида экомаданиятни юксалтириш, она табиатга меҳр ва муҳаббатни юксалтирувчи асарлар яратиш ва тарғибот ишларини кучайтириш қутилган натижаларни беради, албатта.

Гулсара ҲОШИМОВА

Тошкентнинг тарихий қисмидаги Чорсу деб номланган қадимий жой ҳозирги Навоий, Беруний ва Самарқанд дарвоза кўчалари кесилган чорраҳада XI асрда вужудга келган. Бу ҳудудда шаҳарнинг барча дарвозаларидан келадиган йўллар туташган. Кейинчалик, XVI асрга келиб шаклланиб бўлган Чорсу майдонининг шимолидаги тепалик қисмида жойлашган Шаҳристоннинг ғарбий чеккасида Кўкалдош мадрасаси майдонга қаратиб қурилган. Чорсу майдони атрофида Чорсу, Тиканли мазор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари жойлашган ва асосийси бу ерда Уккоша булоғи бўлган.

Тошкент булоқларидан энг машҳури, суви шифобахш бўлган Уккоша булоғи тепалик қулайлиги учун шийлон қурилиб, мешкобилар бу булоқдан сув олиб бозорда сотишган. XIX асрда яшаган тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа келтирган маълумотларга кўра, бу булоқ Чорсунинг жануби-ғарбида жойлашган ва халифа Умар буйруғи билан Тошкентга келган саҳобалардан ҳазрати Уккоша ҳамроҳлари билан жанг қилган ҳамда саҳобалар мазори бўлган бу ерда кейинчалик (Бароқхон даврида) Намозгоҳ қурилган. XX асрнинг 70-йилларигача ҳозирги Жар спорт мажмуаси ўрнидаги жойлар Уккоша масжиди ва Уккоша булоғи номи билан ҳам машҳур бўлган.

Чорсуда шу номдаги маҳалла ҳам XI асрдан бошлаб шаклланиб кетган. Тиканли мазор (Кўшмазор), Чуқур қишлоқ маҳаллалари билан қўшни бўлган бу маҳалла ҳудудига Тошкент дарвозаларидан келадиган барча кўчалар туташган. XVI асрда Кўкалдош мадрасаси қурилган бу маҳалла ҳудудига Чорсу майдони шаклланиб борган.


Атамашунослар "чорсу" сўзи маъносини ҳақида турли хил мулоҳазаларни билдиришди. Айрим мутахассислар фикрича, бу қадимий сўз "Авесто"да "човусук" (тўрт томонлама) шаклида учрайди ва "бозор" маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз "чоҳарсу", "чорсу" шаклига айланган. Форс тилидаги манбаларда "чоҳор бозор" — "чор бозор" сўзи ҳам учрайди. Араб тилида эса бозор "сўк" шаклида келади. Урта асрлар шаҳарсозлигида икки шох кўча кесилган жойда жойлашган савдо мажмуаси Чорсу дейилган. Умуман, йирик кўчалар чорраҳаларида, масжид савдо расталари, устаконаларнинг жойлашиши аънавий бўлган. Лекин барчаси ҳам "Чорсу" номи олмаган. Қадимий Самарқанд, Шаҳрисабз, Кўқон, Марғилон каби шаҳарлардаги йирик бозорлар мажмуаларида ҳам Чорсу атамаси учрайди. Тошкентдаги йирик ариқлардан бири ҳам Чорсу деб аталган қизиқиш уйғотади.

Чунки бу жойда Жангоб, Чорсу ариқлари ташган ва чуқур жарликлар ҳосил қилган.

Чорсу деб номланган жойнинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан шаклланиш тарихи Тошкентнинг IX—X асрларда Бинкат номи билан ривожланиш босқичида вужудга келган шаҳарсозлик тизимига боғлиқ. Бинкат IX—X асрларда ўша давр шаҳарсозлигига хос бўлган таркибий қисмларни ўз ичига олган. Ўша дав-

қийилган шаҳар бўлган. Савдо йўлида жойлашгани боис XI асрдаёқ шаҳар янада ривожланди. Шаҳар ташқарисидан марказга йўналган йўллар Бинкат Шаҳристонининг дарвозаларига келиб туташди. Бу даврда Шаҳристоннинг уч дарвозаси бўлиб, улардан бири Чорсу яқинида жойлашган эди. XVI асрда Чорсунинг юқорисидаги Шаҳристоннинг қадимий ҳудудида Кўкалдош мадрасаси, Жомеъ масжиди, Хожа Аҳрор мадрасаси, яна бир қанча масжидлар бунёд этилди. Кўкалдош мадрасасининг бош пештоғи ва асосий кириш равоғи Чорсуга қаратилгани бу ерда ўзига хос майдон шаклланишидан далолатдир.

Темурийлар даврига келиб Чорсуга Камолон, Бешёғоч, Самарқанд дарвозаларидан келадиган шох кўчалар туташди. Кўқон ўрдасидан йўналган Тошкўча деб номланган шох кўча ҳам (ҳозирги Навоий кўчаси) Чорсуга келиб қўшилган. Қадимги Эски Жўва, Регистон бозорлари қўшилиб, йирик Чорсу бозорини ташкил этди. XX асрнинг бошларида эса Тошкентда трамвай ҳаракати йўлга қўйилди. XX асрнинг 50-йилларига келиб Хадра



чақдаги катта ҳудудда қурилиши муносабати билан Бадалмат ҳаммоми, Уккоша булоғи, аънавий турар-жой бинолари йўқ бўлиб кетди. Чорсу майдонининг меъморий кўриниши-

борилмоқда. Шу аснода Чорсу майдонининг тарихий сифатларини қисман тиклаш учун меҳмонхона ва "Жар" мажмуаси ҳудудига тарихий этнографик мажмуа ташкил этиб, у қадимий Чорсу бозори билан бирлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун Форобий кўчасининг бир қисмини эстакадаларга кўтариб, Чорсу меҳмонхонасидан бозор ҳудуди, Шаҳристон иншоотларига ўтадиган йўловчилар майдонини ташкил этиш керак бўлади. Уккоша булоғи, Бадалмат ҳаммомини архив-лойиҳа ҳужжатлари ва археологик қолдиқлари асосида қайта тиклаш имкониятини кўриб чиқиш лозим. Шу билан бирга Кўкалдош мадрасасининг ғарбий қисмидан бошлаб пиёдалар юрадиган кўчалар бошланиб, Гулбозор маҳаллалари кўча тизимига ва бозор ҳудуди-га қўшиб юборилса, Тошкентнинг бу тарихий ҳудудининг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилинган бўларди. Умуман, Чорсу билан Хадра оралиғидаги транспорт тизимини эстакадаларга олиш ва бу ерда пиёдалар ҳудудини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Самарқанд дарвоза, Форобий, Навоий кўчасининг Хадра ва Чорсу оралиғидаги қисмида пиёдалар ҳудудини ташкил этиш билан бирга, Шаҳристон тепалигининг жанубий қисмидаги мавжуд иншоотларнинг меъморий ечимлари, кўринишларини миллий меъморчилик аънаваларидаги қурилмалар билан қайта қуриб, реконструкция қилиш йўли билан Тошкентнинг энг қадимий қисми туризм салоҳиятини юқори даражага олиб чиқиш мумкин.

Абдужаббор ЯХЪЯЕВ, архитектор

Чорсуни янги қиёраси ҳақида йўллар

рда ислом дунёси шаҳарлари таркибий қисми қалъа ёки кўҳандиз, яъни ҳукмдор ўрдаси ёки қароргоҳи жойлашган тепалиқдан иборат бўлиб, атрофида унга ёндашган шаҳристон ва

Менда таклиф бор


работлардан иборат бўлган. Қароргоҳ билан шаҳристон алоҳида, умумий девор билан ўралган. Бу ерда Регистон майдони ва бозор жойлашган. Бинкат ривожланган илк босқичда унинг арки (ҳукмдор ўрдаси) ҳозирги Эски Жўва деб номланган тепалик устида жойлашган. Шаҳристон эса ҳозирги Хадра, Чорсу ва Эски Жўва оралиғидаги тепалиқда шаклланиб кетган. Арк билан Шаҳристон ҳудудлари орасидан Янгоб, Жангоб деб турлича номларда аталган ариқ оқиб ўтган. Бинкат работлари билан сув оқадиган жарликлар оралиғидаги тепалиқлар ва пасттексикларда жойлашгани туфайли сув таъминоти анча яхши йўлга

билан Чорсу оралиғида, Шаҳристон тепалигининг жанубий чегараси бўйлаб кўп қаватли турар-жой биноси, турли муассасалар бинолари қурила бошлади. Эски, қадимий шаҳарни қайта қуриш асосида Бешёғоч даҳасига қарашли ерларда Тошкентнинг ўша даврдаги энг йирик Марказий универсал магазини "ГУМ" (1972 йил) қурилиб, ишга туширилган эди. Йиғма темир-бетон қурилмалардан бунёд этилган бу мажмуа Чорсунинг қадимий шаҳарсозлик ва меъморий ечимларини тубдан ўзгартириб юборди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Чорсудан ҳозирги Талабалар шаҳарчаси жойлашган ерчага Форобий кўчасини ўтказиш лойиҳаланди. Бу ўз навбатида Чорсунинг тарихий топографияси ўзгаришига олиб келди. XX асрнинг 70-йилларига, турли ўзгаришларга қарамай, Чорсунинг меъморий кўринишида Кўкалдош мадрасаси, Жомеъ масжиди ҳажмлари етакчи бўлиб турган эди. Фақат, 1982 йили "Чорсу" (собиқ "Москва") меҳмонхонаси Форобий ва Самарқанд дарвоза кўчалари туташган бур-

да етакчи бўлган Кўкалдош мадрасаси ўз макеини, яъни майдондаги вертикал акцент вазифасини йўқотди. Чорсунинг тарихийлик хусусияти фақат жой номида қолди. Чорсу меҳмонхонаси орасидаги чуқур жарликдан оқиб ўтадиган сув кувурларга олиниб, "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилди (1997 йил). Форобий кўчасидан Уйғур кўчасигача бўлган ҳудуддаги жарлик ўрнида қад кўтарган ушбу мажмуа Тошкентнинг бу ҳудуддаги табиий рельефи, қадимий топографияси ўзгаришига олиб келди. Ҳозирда Чорсу майдони Тошкент шаҳарсозлигида қадимийлик хусусиятларидан кўра замонавий, шаҳарнинг тарихий руҳига мос тушмаган меъморий кўринишга эга бўлиб турибди.

Бугунги кунда Тошкентнинг барча ҳудудларида улкан қурилиш жараёни кетмоқда. Чорсу ҳудудига яқин ерда Сузук ота тарихий мажмуаси қадимда Бинкатнинг ташқи работи бўлган ҳудудга қайта тикланмоқда. Чорсу бозорида ҳам ободончилик ишлари олиб



Умр ибрати САРВАРИ

Хаётда турфа инсонлар ва турли тақдирлар билан учрашишга тўри келади. Баъзи одамлар ўз соҳасида нималаргадир эришади ва бу ютуқларидан эл-юрт хабардор бўлади. Баъзан арзимолиги ишларини ҳам дoston қилиб, ўзларини кўпчилиққа намойиш этиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиганларга ҳам дуч келамиз. Лекин асл инсонлар, ўз касбининг ҳақиқий фидойилари фақат иш, ижод билан банд бўлиб, кўпма шон-шухратга ўч бўлмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган хотира кечасида ўтириб, хаёлимдан шундай фикрлар ўтди. Дарҳақиқат, шу кун хотирланган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бетакрор сажалаштирувчи расм Георгий Брим ўз ишини қўйилтириб бажарган, лекин камтарона ҳаёт кечирган инсон эди. Хотира кечасини очаркан, Маданият вазир Бахтиёр Сайфуллаев Г.Бримнинг ижоди ўта қизиқарли ва ҳар бир ижодкор ҳавас қилса арзиғулик экани ҳақида фахр билан таъриҳий баҳо берди. "Очиги, унча-бунча ўзбекман, деган одамдан ўзбекроқ эди. Тафаккури, ақлининг теранлиги билан бошқа театр ижодкорлари орасида ажралиб туради. У оддий, айна пайтада, улуг инсон эди".

Таниқли рассом, Г.Бримнинг шогирдларидан бири Александр Батиков устознинг камтарлиги, ижод жараёнида ҳар қандай ишни ҳеч иккиланмай биргаликда бажариб кетавериши ҳақида тўлқинланиб сўзлади: "Георгий Брим деган галактика бор. Ана шу галактикада унинг шогирдлари ҳам бор. Ўзим ҳам унинг шогирдлари орасида эканидан, тақдир бизга Бримдек ажойиб инсон билан бирга ишлашни насиб қилганидан миннатдорман".

Бу гаплар айни ҳақиқат. Г.Бримнинг шогирдлари бугун театр санъати соҳасида катта таъриҳига эга мутахассислар бўлиб етиштиди. Демак, устоз рассомнинг ибратли умри ва ишлари шогирдлари ижодида давом этмоқда.

Г. УМАРОВА

Мустақиллик остонасига қадам қўйганимиздан буён ўзлимизни англаш, миллий қадриятларимизни урф-одат ва аънаваларимизни тиклаш, фарзандларимизни имон-эътиқодли, пок виждонли, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, бунинг учун, энг аввало, халқимиз онгини тубдан ўзгартириб, маънавиятимизни юксалтириш ҳақида баралла бонг уриб келаётган бўлсак-да, кўзланган мақсадга эришишимизга ҳали анча борлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.



ЭПИКАЗМАҲЛИК

Назаримда, ортада қолган йигирма етти йил оқ билан қорани, яхши ёмонни, ширин билан аччиқни ажратиб олишимиз учун нодавлат телевидениеларига етарли бўлмаганга ўхшайди. Акс ҳолда телеэкраннинг ўзи ўзига хон, кўланкаси майдонлари бутун бир миллат юзига оёқ қўйиб, хорижининг ҳаё, ибод, ахлоқ-одоб, гурур, ор-номус кўчасидан ўтмаган гоёяйи қашшоқ сериалларини намойиш этмаган бўларди.

Ахир, вазифамиз маънавиятимизни губорлардан асраб, уни аждодлар меросидан баҳраманд этиб, қадам-бақаддам мустақамлаб бориш орқали билим ва салоҳиятимизга таяниб "манаман" деганларни ҳайратга солишимиз ёки ўзим биланам қабилида иш тутиб, ўзгалардан кўр-кўрона кўчириш, таклид қилиш, уларнинг сарқитларини маданиятимиз дастурхонига тортиб, хоҳласанг-хоҳламасанг шуни ейсан дейишимизди? Биз кеча ким эдик-у, бугун ким бўлганимизни, нималарга қодир эканимизни намоён қилмоқчи бўлсак, бошланган хайрли ишларни ҳамжихатлик билан изчил давом эттириб, ташқаридан суқилиб кирадиган "оммавий маданият"нинг онгу шууримиз ва турмуш тартибимизга ёт кўринишларига йўл бермаган ва, албатта, бунга бефарқ қарамаган бўлар эдик. Тўғри, халқимизни жаҳон адабиёти, санъати ва маданиятининг энг гўзал намуналари билан таништириш савобли иш. Шу маънода чет элликларнинг эзгулик йўлидаги кураши, ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одат ва қадриятлари ҳақидаги фильмларини томоша қилиш фойдадан холи эмас. Аммо тақдим этиладиган асарлар, энг аввало, гоёяйи, маънавий-тарбиявий нуқтаи назардан миллатимиз руҳиятига мос келиши, унинг миллий қадриятлари, урф-одат ва аънаваларига соя ташламаслиги керак. "Гуллар изтироби"га ўхшаган гариб сериаллар нафақат катталарнинг маданияти маънавиятига, балки ёшларнинг дунёқарашини ахлоқ-одо-

бига, руҳиятига ҳам салбий таъсир этмай қолмайди. Мазкур сериал намойиши тўхта-тиб қўйилган "Севги изтироби"нинг мантқиқий давоми бўлиб, унда бир оила аъзоларининг худбинлиги туфайли оиланинг фожиа сари астойдил интилаётгани томошаниннинг нафрат ва газабини кўзгамай қолмайди. Бир оилада яшаб туриб, бир-бирини паст назар билан қараш, бир-бирини пойлаш, яғво қилиш, бир-бириндан жирканиш,

Шахсий мулоҳаза

пала-партиш ва мақсадсиз ҳаёт кечириш, ўзаро кўнгилхушлик қилиш, эри билан яшаб туриб, бегонадан ҳомилалдор бўлиш, ҳали турмушга чиқмай номуссизлик тўрига тушиб, севгилиси билан аразлашиб дарров бошқасини топиб, ўз шармандалигини очиқ-ойдин кўз-кўз қилиш, ўз жонигагина эмас, ўзгалар жонига ҳам суиксад қилиш, ҳар қадамда бир-бирининг қадр-қиммати-ю гурурини топташ — булар томошабинга қандай таъсир кўрсатади, ёшларни қандай "тарбиялайди"? Уларни ҳавас қилса арзиғулик санъат асари, деб бўладими? Сериал "қаҳрамон"ларининг қайси бири гул? Гулруми, Гулфемми? Ёки уларнинг атрофидаги аёлларми? Ахлоқсизликни гулга қиёс қилиш ва уларнинг соғлом фикрли томошабин нафратини кўзга-тадиган ҳаёсизлигига ҳасадини "Гуллар изтироби" номи билан аташ сериал мазмун-

моҳиятига мутлақо зид эмасми? Ахир, сериалда шарқона ахлоқ-одоб, шарқ хотин-қизларига хос ва мос бўлган ҳислат ва фазилатларнинг учқунини ҳам йўқ-ку. Оиланинг муқаддаслиги қаёқда қолди? Фарбнинг бадбўй нафаси анқиб турган бу сериалнинг ўзбек оиласига ибрат бўладиган бирон бир жиҳати борми? Афсуски, йўқ!

Хорижий сериалларсиз ҳам нодавлат телеканалларида маънавият-у маданиятимизга, ёшларимиз тарбиясига раҳна солидиган хом-хатала, бадийликдан йироқ, бе-ўшов қилиқлар-у бачкана кийинишдан тортиб, пала-партиш фикр юритишгача бўлган мақсадсиз кўрсатувларнинг шакл-шамойили айрим хориж телевидениеларидан кўр-кўрона кўчирилиб, ўзбек адабий тилини шоман четга суриб қўйиб, томошабинга тевада тақдим этилаётгани ҳаммасидан ошиб тушмаяптими?

Агар, "ЗУР ТВ"чилар (нафақат улар) ўзбек томошабининг диди, фаросати, идроки, талаб ва эътиёжини хорижнинг кундан-кунга қўлайиб бораётган "Гуллар изтироби"га ўхшаш сериалларига мос деб тушунаётган бўлсалар, янглишадилар. Бундай арзонгаров телемаҳсулотлар бизга маънавий-тарбиявий сўзга беролмайди. Аксинча, улар телетомошабин, айниқса, ёшлар онгини, маънавиятимизни захарлашдан бошқа нарсага ярамайди!

Нуриддин ОЧИЛОВ, кекса тележурналист

Қутлаймиз

КИТОБЛАР ИЧРА КЕЧГАН УМР

Янги нашрлар

Ушбу сўзлар ўзини эмас, фақат ижод аҳлини, у ёшми, кекса авлодни, қатъи назар, ўйлайдиган, гамхўрлик қиладиган, мавзулар яратадиган бир инсон ҳақида...

Сўзларни текислади, жумлаларни равланлаштирди. Меҳнати билан қарийб муаллифликка даъвогарлик даражасига бориб қолди...

ҳақида бир оғиз яхши гап эшитганда яйраб кетганларига гувоҳман. «Shaq»да чоп этиб келинаётган «XX аср ўзбек романи»...

Эркин МАЛИК, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



«СОҒУНИЙ»

«Тарих — миллатнинг кўзусидир, деб талқин этади қадим солномачи. Яна кимдир, тарихсиз миллат йўқ, деган экан...



«Соғуний» асарининг бутунги авлодлар учун тарбиявий аҳамияти фақат халқимиз ва юртимиз тарихининг муайян бир даври ҳақида билим ва тасаввурини бойитиш билан чекланмайди...

Тарихга иқтисодий китобхоналар Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий», «Туркистон қайғуси» ва бошқа асарларини ўқишдан, албатта, Исрол уламоси сифатида кўплаб шоғирлар етиштирган миллат фидойиси ўз даврида жуда катта обрў-эътиборга эришган...

«Соғуний» асарининг бутунги авлодлар учун тарбиявий аҳамияти фақат халқимиз ва юртимиз тарихининг муайян бир даври ҳақида билим ва тасаввурини бойитиш билан чекланмайди...

Тадбир доирасида намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Н.ТОЛИПОВА, Маданият ва санъат кўргазмаси директори

«МУКАРРАМАХОНИМ «ТАНОВАР» И»

Таниқли санъатшунос-балетмейстер Аҳмаджон Раҳимов кўп йиллик ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон ва Россия театрлари билан ҳамкорликда изланишлар олиб бориб, мухтор театрларда ўндан ортқ саҳна асарларини яратиб, катта таъриб орттирди...



А.Раҳимовнинг яқинда чоп этилган «Мукаррамахоним «Тановар» и» деб номланган китобини ўқиб юқорида айтган фикрларга яна талай далиллар топдик. Китоб ўтган асрнинг 30 — 70 йилларида самарали фаолият олиб борган, миллий рақс ва балет санъатининг тамал тошини қўйган буюк раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий фаолиятига бағишланган...

Рисола «Мукаррамахонимни авлиё аёлларга ўхшатиш келадими», «Тановар тароналари», «Баҳор» Мукаррамахоним саждагоҳи эди...» деб номланган уч бобдан таркиб топган. Ҳар бир бобда санъатшунос 1970 йилларда устоз М.Турғунбоева билан ўтказган ижодий учрашув ва сўхбатлари қизиқарли, самимий ҳўқоқ қилиб беради...

А.Раҳимов рисолада фақат М.Турғунбоева фаолиятини ёритиш билан чегараланиб қолмайди. Муаллиф Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакражонов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Розия Каримова, Галия Измайлова, рус балетмейстери Касьян Голейзовский ва бошқа устозлар, таниқли шоирлар ва бастакорларнинг ёрқин образини Мукаррамахоним билан ҳамкорликдаги фаолияти орқали ёритишга эришган. Рисолада ўтган асрнинг 50 — 70-йиллардаги ижодий жараён таҳлил қилиниб, бутунги миллий рақс санъатининг ютуқ ва камчиликларига, миллий рақс ансамблларимиз фаолиятига назар солиниди. Мутолаа жараёнида ўтган асрда салкам 50 йил самарали фаолият кўрсатиб, миллий рақс санъати ривожига улкан ҳисса қўшган, машҳур «Баҳор» ансамбли фаолиятининг ич-ичига кириб, Мукаррамахоним яратган бебаҳо рақсларни қайта кўргандек бўламиз...

Ушбу нашрга сўзбоши ёзган таниқли раққоса — балерина, профессор Бернора Қориева таъкидлаганидек, «Аҳмаджон Раҳимов ўз китобига соҳамизда эътибор берган ижодий жараёнларни, бошқаларнинг кўзига ташланмаган нозик томонларини очиб беришга эришган. Устознинг «Тановар»и ва «Муножот»и энди илмий манбаларда сақланиб, бутунги ёш раққоса ва балетмейстерларни тарбиялашда, уларнинг ўсишида, маҳоратини оширишда ёрдам беради, деган фикрдаммиз. Бундай чуқур синчковлик, таҳлилий иш ҳаммаининг ҳам қўлидан келавермайди...»

Мазкур китоб рақс санъатини янада юксалтиришда, бу соҳада олимизда турган вазибаларни амалга оширишда, ёш раққоса ва раққоса, балетмейстер ва миллий рақс ансамбли фаолиятини янги ижодий босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Раҳим БЕГИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори, Курбонийё ПАНЖИЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Сулаймон РАҲМОННИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлари уюшмаси Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, таниқли бастакор Аноркул НАЗАРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎҚИМАГАННИНГ ҲОЛИНИ КЎР

Яқинда бир жиноят муҳокамасида қатнашдик. Жиноят мактаб ўқувчиси томонидан содир этилган. 11-синф ўқувчиси тунда ниқоб кийиб, ён қўшнисиникига ўғрилиққа тушган. Қўшни келин ўғрилликдан хабар топган, ниқоб кийган йиғитча унга пичоқ билан ташланган.

Муҳокамада айтилган фикр-мулоҳазаларни тинглаб ўтириб, ҳаёлимдан бундай кўнгилсиз воқеалар маънавиятнинг қашшоқлиги, маърифатсизлик, китоб мутолаасига бегоналик оқибати эмасмикан, деган ўй ўтди.

Одатда, жиноятга қўл урган кимса ё спиртли ичимлик истеъмол қилган, агар ўсмир бўлса, кимларнингдир таъсирига тушган ёки жангари фильмларга мойил бўлади. Ахир, китоб ўқиган, маърифатга ошно бола ёмонликдан ҳазар қилади. Зеро, унинг қалбидаги зиёга, маънавиятга ташналик бундай хатти-ҳаракатга йўл қўймайди, деб ўйлайман.

Қўшнисиникига ўғрилликка тушган ўша ўсмир ўқийдиган мактабда 262 нафар ўқувчи таълим олarkan. Ўрта Чирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг кутубхоначиси Гулмира Мавлонованинг айтишича, таълим муассасаси кутубхонасида атиги 200 тача китоб бор экан. Боз устига кутубхона учун 2019 йилга бирор бир нашрга обуна расмилайштирилмаган. Газета-журналлар келмайдиган кутубхона кимда қандай қизиқиш ўйгоҳиши мумкин?

Менинг фикрим

Санҳоқлигина китоблар бесаранжом ётган кутубхонага кириб, ўқувчиларнинг картотекасини кўздан кечирдик. Ўқувчилар кутубхонадан сўнги бор 2016 йил май ойида — бундан салкам уч йил аввал китоб олишган, ҳолбис. Бугун мактабларда китобхонлик маданияти, мутолааси ўз ҳолига ташлаб қўйилганига бу бир мисол. Ахир, «Тонг юдузи» газетасини, «Гулхан» ё «Гунча» журналларини ўқиш тугул, номини ҳам эшитмаган ўқувчидан китоб ўқишни талаб қилиб бўлармикан?! Очигини айтганда, бошқа мактабларда ҳам ахвол бундан яхши эмас. Халқаро тадқиқотлар натижасига кўра, жиноятчиларнинг 90 фоизи умуман китоб ўқимаганлар экан.

Биз ўша мактаб кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мактаб кутубхонаси» туркумида чоп этилган китобларни ҳам, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан «Ёшлар кутубхонаси» руқнида нашр қилинган адабиётларни ҳам кўрмадик. Ваҳоланки, ойнаи жаҳонда бу китоблар жойларга тарқатилаётгани хусусида хабарлар берилаётди. Начора, умид қиламиз, мактаб кутубхоналари ҳам янги китоблар, газета-журналлар билан бойиб қолар, чинакам зиё маънавияга айланар. Бунинг ўқувчи-ёшларга маънавий-маърифий таъсирини ўшанда кўрсак керак.

Отабек ИСРОИЛОВ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият ва санъат кўргазмаси, Тошкент табиёт академияси ҳузуриндаги Ҳарбий-табиёт факультети, Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамкорлигида «Мардлар қўриқлайди Ватани» номли кўргазмали байрам тадбири ўтказилди.

Тадбир доирасида ёшларимизга замонавий ҳарбий хизматчи қандай бўлиши кераклиги, билим ва кўникмага эга ёшларгина ҳарбийликка танлаб олиниши ҳақида тушунчалар берилди. Фарзандларимиз ҳарбийларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. Республикамиз ёшларининг кенг қатламини қамраб олишга қаратилган бу каби тадбирлар, албатта, ёш авлоднинг Ватанига содиқ фарзанд бўлиб етишишида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Н.ТОЛИПОВА, Маданият ва санъат кўргазмаси директори



ЮРТ ПОСБОНЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Ватан ҳимоячилари куни Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисод университетининг Тошкентдаги филиалида ҳам муносиб нишонланди. Университет ректори В.Гришин ва «Россия ва Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси И.Круговыхнинг табригини байрам тадбирига йиғилганлар қизгин қарши олдилар. Катта экранда намойиш этилган соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги кадрлар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

бўлгани ҳақидаги тарихий фактлар ниҳоятда муҳим воқеа, — деди университет проректори О.Аҳмедов. — «Амир Темур юрган йўлларда» деб номланган сайёҳлик лойиҳасини тuzиб, шу асосда талабаларимизни улуг Соҳибқирон бўлган жойлар билан таништиришни ният қилиб қўйдик.

Тадбирдаги чиқишлар юртимиз посбонлари ҳақида эъзозда эканини яна бир бор намойён этди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА



Қозоқ халқи латифаларининг машҳур қаҳрамони Алдарқўсани халқимиз яхши билади. Аммо у билан боғлиқ ҳангомалар, назаримизда, ҳануз китоб ҳолида ўзбек ўқувчиси қўлига теккани йўқ. «Алдарқўса хангомалари» («Академнашр», 2018) китоби шу йўлдаги дастлабки уриниш. Хангомалар турли манбалардан олиниб таржима қилинган. Таржимон, тўловчи ва нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Саъдий, Расул Кушербаев.

АЛДАНГАН БАҚАЛОҚ

Бир бақалоқ қариндошиникига меҳмонга бораётган экан. Мезбонга ҳада учун бошига қозон кўндириб, ичига тарих солиб олибди. Борадиган жойидаги зиёфат ва кўнгилхушликни ўйлаб, кайфияти чоғ: ўтган-кетганидан ҳаммасига ҳазил қилиб жонига тегибди. Бир пайт унинг қариндосини отини йўргалатиб Алдарқўса чиқиб қолибди. — Ҳой Алдарқўса! — дея қаҳрибди бақалоқ. — Қаёққа бунча шошаясан? Бироз сабр қил. Айтишларича, сен шайтонни ҳам алдаган эмишсан. Мана, зўр бўлсанг, мени ҳам бир алдаб кўр-чи. Алдарқўса отини чоптириб, хавотир билан жавоб берибди: — Ҳазил учун ёмон вақтни танладинг, яхши одам. Охирзамон келаяптибди. Қара, осмон олов билан қопланган, қутиб турсанг, ҳозир бошингга ёғилади! Бақалоқ кўрқувдан осмонга боқибди ва шу пайт қозон бошидан тушиб, тарих ёрга сочилиб кетибди. — Вой-дод, нималар қилиб қўйдим? — афсусланибди бақалоқ. Алдарқўса бўлса отини тўхтатиб ўзини қулгидан тўхтатолмасмиш: — Донони алдаш қийин, бироқ аҳмоқ ўзини ўзи алдайди.



АЛДАРҚЎСА ВА СОДДА БОЙ

Бир куни Алдарқўса йўлда кетаётган бойни кўриб қолибди. Шунда у Алдарқўсага: — Ҳой Алдарқўса, қани, мени бир алдаб кўр-чи, қўлингдан келармикан, — дебди. Алдарқўса қараса, бой жуда такаббур экан. «Буни қандай қилиб алдасам экан, қуруқ алдасаммикан ёки хўл алдасаммикан?» — деб ўйлабди. — Бой ота-ё, сизни алдар эдим-у, бироқ ҳозир кайфиятим йўқроқ, — дебди. — Нега кайфиятинг йўқ? — ҳайрон бўлибди бой. — Бир одамдан уч танга олган эдим, шу таъбиمنى хира қилиб турибди. — Мана сенга ебкетарга уч танга. Қани, энди алдаб кўрасанми? — деб бой унга уч танга тутқазибди. — Раҳмат сизга, бой ота. Энди мен мана бу тангаларни ҳалиги нокаста бериб, қайтишда алдархалтамни олиб келаман. Кейин хангомани кўрасиз, — деб Алдарқўса йўлига равона бўлибди. Бой Алдарқўсани етти хуфтонгача қутибди, келмабди. Шундан кейингина алданганини тушуниб етди.



— Буни қаранглар-а, Айпон дегани зўр матоҳ экан-у! Алло, алло, маданиятли котта окала, шоу-бизнесда шармандалик. Миллий гурури сўнган, пулга ҳирси ўсган «БРАВО» жамоаси, унинг эр кўрсаман жувонларининг белдан пастга ишқивозлиги ошиб кетаяпти. Чора топиш керак!

Myassis: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. Халқови.ш.з: akfa. Сайтимизга ўтган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru. Тақвд ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86. Санъат бўлими: 233-56-40. Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42. Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

Бош муҳаррир Ўқтам МИРЗАЁР. Тахририга келган кўлемлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир — Гулҷеҳра УМАРОВА. Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Боснишга топшириш вақти — 21.00. Боснишга топширилди — 20.00. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5735. Буюртма Г — 155. Ҳажми — 3 босма табак А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6.

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2181-614X. 77218114000.